



### Хунлар хакида сўз

Хунлар милоддан 1500 йил аввал пайдо бўлиб, ўша милоднинг V асрларигача икки минг йиллик нихоятда катта бир даврда Осиё ва Оврупо тарихи сахнасига чиккан ва инсоният авлодлари ёдидан мангу ўчмайдиган, теран таъсирлик вақтларни бошдан кечирган бир халқдир. Улар тарихда 500 йил ҳукм сурган: Улуг Хун империяси (милоддан аввалги 207 йилдан то милоднинг 216 йилигача); 170 йил ҳукм сурган гарбий Хун империяси (милоддан аввалги 46—216 йиллар); 95 йил ҳукм сурган Оврупо Хун империяси (375—469) каби улуг уч империяни куриб, Осиё ва Оврупо халқлари тарихида ижобий ва салбий жихатдан ажойиб хотиралар колдиргандирлар.

Хунлар (хитойларнинг) Жунггу тарихида ўтган энг қадимгга давлатлардан Ин сулоласи (милоддан бурунги 1600—1200 йиллар); Жу сулоласи (милоддан аввалги 1200—300 йиллар); Чин сулоласи (милоддан аввалги 246—207 йиллар); Хан сулоласи: (милоддан илгариги 207—146 йиллар) сингари қатор давлатлар» билан турли муносабатларда бўлиб келганлар. Бу жараёнда хунлар чўл хаётига нисбатан хийла кучли бало-казоларни келтирган бўлсалар-да, бошқа тарафдан Жунггунинг қадимги чоғдаги иқтисоди ва маданиятининг гуллашига ўзларининг хиссаларини қўшганлар. Хунлар ва уларнинг фаолияти Жунггу тарихида муҳим ўрин тутди.

Хунлар Жунггунинг энг қадимги ривоятлари ва тарихий йилномаларида ҳар хил номлар билан тилга олинди. Дунёда хуншуносликка асос солган улуг тарихчи Сима Чиан (милоддан 145 йил аввал тугилган бўлиши тахмин этилади) ўзининг ўлмас асари «Тарихий хотиралар»нинг «Беш подшоҳнинг таржимаи холи» деган бобида Хуангди Хунларии шимолга қувгани хақидги маълумотлар берган. Хуангди бўлса, Жунггунинг бошланғич уругдошлик жамиятида ўтган афсонавий хон бўлиб, унинг бундан 5000 йил аввал яшаганлиги ривоят қилинади. Шунга қараганда, хунларнинг жуда қадимги даврлардан тортиб Жунггуга ҳавф солиб келганлиги маълум бўлади.

Турк халқларининг аجدодларидан бири бўлган хунлар энг қадимги даврдан бошлаб Урхун дарёси бўйларида Чугой тоғлари (ички Мўғулистондаги Янгшан тоғлари)нинг шимоли ва жанубида, Олтой ва Тангри тоғининг шимолида ва жанубида яшаганлар. Ҳозирги замон тилшуносларининг исботлашича, «хун» сўзи «кун» сўзидан келиб чиккан. Қадимги замонларда хунлар ҳам уйгур ва бошқа халқларга ўхшаш коман (шаман) динига эътиқод қилганлар. Коман дини кўпхудолик динларининг бири бўлиб, «Кун тангри»га эътиқод қилиш муҳим ўрин тутган. Шу учун қадимги замонларда хунлар -ўзларини

«кунлар» деб аташган. «Кун» сўзи кейинги пайтларга келиб «хун» сўзига айланиб кетган.

Профессор А. Закий Валидий Тўгон ҳам «хун» атамасини «кун» деб-ёзади. Яна бошқа тарихий манбаларда эса, «хун» сўзининг Урхун дарёсининг номидан келиб чикканлиги айтилади. Қадимги замонларда Урхун дарёсининг бўйида яшаган аجدодларимиз ўзини шу дарёнинг номи билан «хун» деб аташган экан. Хозиргача бу икки хил карашнинг кай бири тўғрилиги хақида муқим бир хулоса чиқарилганича йўқ.

Қадимги чоғларда хунларнинг Олтой тоғлари ва Тангритоғнинг шимолида ва жанубида яшаганлиги хақида юқорида айтилди. Археологик казишлар натижасида Олтой тоғларидан милоддан аввалги даврларга оид қадимги хун қабрлари топилди. Бу қабрлардан чиққан хунларнинг жасадларига (қабрлари совук қор чўққиларида бўлгани учун жасадлари бузилмаган) қараганда, улар ниҳоятда баланд бўйли, қотма, устихонли, қаншарлик, юзлари оқ, чўзик бўлиб, қадимги уйгурларнинг қиёфалари билан ирқий жиҳатдан ўхшаш. Хунларнинг баланд бўйи, қотмалиги, хусни қаби хусусиятларини қадимги Жунггу маълумотлари ҳам исботлайди.

«Хан йилномаси»нинг «Жингмиди хақида қисса» бобида хун шахзодаси Жингмидининг бўйи саккиз чи, икки сунг, чиройи сулув дейилган. Буни хозирги узунлик ўлчовидаги метрга мослаганда (Хан замонасидаги бир чи хозирги 27 сантиметр, 65 миллиметрга тўғри келади) Хун шахзодасининг бўйи тахминан икки метр 30 сантиметр келади. Бу ҳолат Олтой тоғларидаги хун қабрларидан топилган хун жасадларининг жудаям баланд бўйли, узун одамлар эканликларини кўрсатади.

Шахзода Жингмиди, милоддан 121 йил аввал хозирги Гансу шахрида Хан кўшинлари тарафидан мағлуб бўлиб, хун хони Қуншархон тарафидан ўлдирилган. У хун хони Шигут Сугахоннинг ўғли эди. Жингмиди Хан сулоласининг подшохи Хан Вуди хузурига қелтирилгандан кейин, Хан сулоласининг ҳарбий отларини ўстириб, кўпайтириш ишлари бўйича мансабдор бўлган. Жингмиди унинг хунча исми эмас. «Жингмиди» деган исми унга Хан Вуди берган.

Жунггу фанлар академияси археология тадқиқоти институти тарафидан 1955 ва 1957 йиллари Шанси ўлкасининг хозирги Шиан шахри атрофидаги Хан сулоласи даврига оид «Шанглинг ган» деган жойдан алоҳида бир қабр топилган. Бу қабрга дафв қилинган жасад билан бирга кўмилган охиратлик нарсалар ичида икки парча тут чоса мис тахтаси чиққан. Мис тахтага икки нафар одам, икки отнинг суратлари нақш қилиб туширилган. Икки одам бир-бирининг бели ҳам қокиллари туташган қиёфада туришибди. Улар қаншарли патила сочили бўлиб, қокиллари ўрилган, иштон қийишган. Археология олимлари бу қабрдан чиққан жасадларни хунларнинг Хан сулоласига юборган элчиси ёки элчиларнинг ҳамроҳлари деб ҳукм қилишди. Бу қабрдан топилган нарсалардан хунларнинг соч қўйиш шакли, қийишлари, чиройи, урф-одатлари билан қиёфаларини билса бўлади.

Қадимги замонда хунлар билан уйгурлар, туркларнинг тили, урф-одатлари, чиройли-шакли деярлик ўхшаш эди. Жунггунинг «Вий йилномаси», «Жу йилномаси», «Суй йилномаси» сингари қадимги ва ўрта асрлардаги тарихий материалларда уйгурлар ва турклар хунларнинг авлоди дейилган. Демак, уйгур тарихини билишда хунлар тарихини билиш жудаям муқим аҳамиятга эга.

Хунлар уйгурларнинг энг қадимги аждоди бўлиб қолмасдан, балки хозирги пайтдаги турк халқларининг ҳам бобоқалонларидандирлар.

## БОТУР ТАНГРИКУТ ЁХУД ЎГИЗХОН

### 1. Ботурнинг тангрикут бўлуви

Кўхна тарих хунлар деб аталмиш бир тоифа халк (милоддан уч аср аввал) мисли кўрилмаган даражада кучайганидан шохидлик беради. Улар милоддан бурунги 209 йилдэн милоднинг 216 йилигича 500 йил хукм сурган кудратди хун тангрикутдиги (империяси)ни вужудга келтирдилар.

Бу тангрикутликнинг худуди кунчикарда улуг океан киргокларигача бориб туташган, шимолда Лена дарёси, Бойкўл (Байкал кўли), Янси дарёсининг ўрта иклимларигача, жанубда Хитой деворигача, гарби-жанубда Хиндистон (Синд)нинг шимолигача, гарбда Каспий денгизининг сохилларигача чўзилган эди.

Мана шу улуг Хун тангрикутлигини харбий салохиятда ўз замонасида тенги йўк саркарда, сиёсий дипломатия ва давлат тузумини мукамаллаштиришда мислсиз истеъдод эгаси бўлган жанговар ва олижаноб бир инсон, иззат-хурматда тангрининг магрур ўгли деб аталмиш бир зот вужудга келтирди.

Уни Ботур тангрикут деб атар эдилар.

Ботур тангрикут Туман тангрикутнинг катта ўгли бўлнб, аввалига у тахт вориси килиб белгиланган эди. Аммо кейинчалик отаси ўз кароридан воз кечиб, олчиси (кичик хотини)дан тугилган кенжа ўглини тахтига ворис белгилаб, Ботурни ворисликдан махрум этди.

Кадимги даврлардаги икки давлат ўртасидаги муносабатлар койдасига мувофик икки давлат ўртасида тузилган ахдномининг бузилмаслигига катъий кафолат тарзида бир тараф иккинчи тарафга ўгилларидан бирини гаровга юбориб кўядиган одат бор зди. Туман тангрикут ўз ниятига етишиш учун тахминан милоддан 216 йиллар бурун Ботурни Улуг ёвчилар хонлигига гаровга юборади. Бу ишга Ботур каттик норози бўлади. Энг кадимги чоғдан тортиб, якин давргача бўлган узок тарихий далилларга суяниб хукм килинганда, гаровга юборилган хонзодалар хаёти фожиали тугаган. Низо вақтида икки давлат орасида тузилган ахдномалар бузилган. Шунда гаровга юборилган шахзодалар ўлдирилган. Ботур Хунлар билан Улуг ёвчилар муносабатини доим зийраклик билан кузатиб турган ва ахднома бузилиб, хунлар билан Улуг ёвчилар орасида уруш чиқадиган вазият пайдо бўлиши биланок Улуг ёвчилар хонлигидан кочиб кетишни мўлжаллаб юрган.

Улуг тарихчи Сима Чианнинг маълумотига караганда, худди Ботур кутганидек, Хунлар-билан Улуг ёвчилар ўртасида тузилган ахднома бузилиб, Туман тангрикут Улуг ёвчиларни тор-мор келтириш учуи кўшин юборади. Ботур хун кўшинлари босиб келмасидан олдинок Улуг ёвчилар хонининг хос оти — тулпорини миниб, кочиб колади. Улуг ёвчилар буни вақтида сезиб, унинг кетидан кувлаган бўлсалар-да, Ботурга етмак у ёкда турсин, унинг корасини хам кўра олмайдилар.

Ботур Улуг ёвчиларнинг пойтахти Сандобилдан (хозирги Гансудага Чонгий атрофида) кочиб, дахшатли денгиз тўлкинидек кўзголиб турадиган, хатарли Тангри кумликларини (хозирги Нингшө) ва яна уфкка туташиб кетган ям-яшил ўт-чўплик яйловлардан ўтиб, Хунлар пойтахти Туманбаликка (хозирги Кўлхут шахри атрофи) етиб келади. Ўглининг бу

мардлигини кўрган.

Туман тангрикут Ботурга койил колади. Уни хун отлик кўшинларини ташкил этиб, машк килдириб жангга тайёрлашга кўяди. Бундай яхши имкониятга эга бўлган Ботур дархол овозлик ўк-ёй кашф килади. У ўзи машк килдириб, уруш коидаларини ўргатаётган хун отлик жангчиларига мундок, дейди: «Тангри номи билан айтай мен мана шу овозли ўк-ёйимни нимага каратиб отсам сизлар ҳам килча иккиланмасдан, шу нарсани нишонлаб, ўк узасиз, бунга хилоф иш киладиган бўлсангиз, хаммаларингизнинг бошларингни оламан».

Бир куни Ботур овозли ўк-ёйини ўзи миниб юрган тулпор отга: каратиб отади. Лекин жангчилар у яхши кўрадиган тулпорни нишонга олишга кўзлари киймай туриб коладилар. Шунда Ботур килча раҳм килмасдан буйрукни бажармаган жангчиларнинг бошини олади. У яна юкоридаги буйрукни такрорлаб, бундан кейин каршилиқ киладиганларнинг тақдири ўлим билан тугагини эслатади ва отлик жангчиларнинг ваъдасини олади. Орадан кўп ўтмай Ботур ўзи яхши кўрган гўзал олчасини (хотинини) нишонлаб, овозли ўк-ёйини отади. Буни кўрган жангчилар берган ваъдаларини бажаришга иккиланиб коладилар. Лекин Ботур сўзидан кайтмайди. Бу жангчилар ҳам бошларидан айриладилар. Икки фожиадан сабоқ олган бошка жангчилар Ботурнинг буйругига сўзсиз бўйсунадиган бўладилар.

Туман тангрикут кунларнинг бирида хун хонларини ва кичик олчасини (хотини), ўгилларини олиб овга чикади. Ботур шу фурсатни ганимат билиб бояги жангчилари билан отаси — Туман тангрикутни, ўгай онасини ва ўгай укаларини битта кўймай кириб ташлайди. Бу сафар Ботур овозли ўк-ёйи билан нимани нишонга олса, унга садокатли отлик жангчилари ўқларини ўшанга каратиб отадилар. Ботур максадига эришади. Эҳтимол, Ботурга каршилар билан тарафдорлар орасида ниҳоятда каттик конли урушлар бўлгандир!.. Ботур мана шундай усул билан Хун тангрикути тахтини эгаллайди. Бу воқеа милоддан 210 йил аввал юз берган.

Юкорида Ботурнинг ҳокимият тепасига чиқиш учун ниҳоятда эпчил усул кўллаганини кўрдик. У бунда жудаям шафкатсизлик килган бўлса-да, унинг ўзи ниҳоятда хушёр, аклли, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, овозли ўк-ёйини ижод килган саркарда эди.

## 2. Хунларнинг кўшнилари

Милоддан уч аср бурун (милоддан 209 йил бурун) «Ўғизнома» достонида Уғизхон номи билан аталган Ботур хунларга тангрикутлик килган чоғда қадимги Осиёдаги халқларнинг этник таркиби хийла мураккаб эди.

Жунггунинг шарки-шимолидаги уч ўлка (Хилу жиён, Ливонг, Жилин) эгаллаган ҳудудда тунгуслар (Монжу ва мўнгулларнинг аждодлари) хонлиги бор эди. Булар хунларнинг шаркидаги энг кучли кўшнилари эди. Ҳозирги Байкалнинг атрофида, Селенга дарёсининг бўйларида эса шаркий уйгурларнинг хонлиги мавжуд эди. Улар милоддан бир неча аср бурунданок дехкончилик ва чорвачилик билан шугулланиб, ўтроклашган ҳаёт кечирешарди. Жунггунинг қадимги тарихида мана шу шаркий уйгурлар «Динглинг» («Туролар») деб аталган.

Бойкўлнинг гарбида (Енисей — Энасой дарёсининг Юкори оқида) киргиз хонлиги ҳукм суради, Симо Чиян билан Бангу (милодий 32—92 йиллар) қадимги чоғдаги киргизлар ҳақида батафсил маълумот бермаган бўлса-да, киргиз хонлиги ҳар ҳолда хийла кучли эди.

Хунларнинг шимолида юкорида тилга олинган шаркий уйгур хонлиги билан киргиз

хонлигидан бошка яна «Чипор отлар» деб аталадиган халк яшаган. Улар Олтой тоғларининг шимолий этакларида ўтроклашган бўлиб, чорвачилик билан шугулланишган. «Чипор отлар» игна япроклик ўрмонлар коплаган тоғлар ичида от уюрларини бокишган. Улар асрайдиган отларнинг ранги кўпинча суст нашаранг бўлиб, ёли кора эди. «Чипор отлар» деган ном ҳам улар асрайдиган отларнинг рангига муносабатдан олинган бўлса керак. Хунларнинг гарбдаги энг кучли кўшниси — Улуг ёвчилар эди.

Милоддан беш аср бурундан бошлаб Жунггунинг кадимги тарихий хотираларида Урдуснинг гарбидаги яйловларда яшайдиган Улуг ёвчилар хакида маълумот берила бошланган.

Улуг ёвчиларнинг шаркидаги Арсан водийсида (hozирги Нингшённинг гарби-шимолида) уйсунлар яшаган. Улуг ёвчилар хонлигининг пойтахти Сандабил бўлиб, ахолиси бир миллион киши атрофида эди.

Улуг ёвчиларнинг гарби-жанубида эса (hozирги Кўкнур, Тибет атрофида) Чонглар (тибет-халкининг аждодлари) яшади.

Милоддан икки аср бурун Жонг Чаннинг берган маълумотига караганда, уйсунлар яшаган худуд Дунгх вонг билан Тилов тоғи (Чилан шан тоғи) орасидаги бир жой эди. Улуг ёвчилар ҳам кадимги чоғларда шу атрофда яшаганлар. Мана шу жойларда бир вақтда ўз давлати бўлган уйсунлар билан ёвчилар аралаш яшагани хакида бир нарса дейиш кийин. «Тарихий хотиралар»даги маълумотга караганда, мана шу худудни уйсунлар бурун эгаллаб турган бўлсалар, Улуг ёвчилар кейин босиб олганга ўхшайдилар. Милоддан 180 йиллар бурун Улуг ёвчилар тарафидан мағлуб бўлган уйсунлар асли яшаб турган жойларидан гарброкка кўчиб, Или водийсига бориб макон топганлар. Уйсунларни Гансудан қувлаган Улуг ёвчилар уларнинг жойларини эгаллаб олганлар.

Бундан ташқари, hozирги Чўчак, Зойсан атрофларида ўғизлар, Тангритоғнинг шарки-шимолида ва Олтойнинг жанубида турклар, Жимсар атрофида Орқа кум беклиги яшаган.

Торим водийси ва унинг атрофида бўлса уйгурларнинг аждодлари қурган Олди куш беклиги. (Турпон), Лулан хонлиги (Лупнурда), Қорашахар хонлиги, Кўкар хонлиги, Оксу хонлиги, Қашқар хонлиги, Ёркант хонлиги, Хўтан хонлиги қаторлик давлатлар ва бир қанча донгдор бекликлар яшарди. Уларнинг гарбида Фаргона, Қангли, Олон сингари давлатлар бор эди.

### **3. Ўғизхон (Ботур тангрикутнинг) юришлари**

Милоддан аввалги 210 йили хунлар тарихида давр бўлгудек бир йил бўлди. Шу йили хунларнинг тахтида ўлтирган улуг император — Ботур тангрикут кейинчалик 500 йил ҳукм сурган улуг, қудратли хун тангрикутлигини қурди. Хунларнинг жанубидаги кучли кўшниси Чинг сулоласининг подшоҳи Чинг Сихуонг ўлади. Ортидан Чинг сулоласи дахшатли тус ояган дехқонлар кўзғолонининг шиддатли зарбаси остида ағдарилади. Бу кўзғолондан фойдаланган Лийубанг Жунггу эса тарихда беш аср (милоддан бурунги 206 йилдан милодий 220 йилгача) ҳукм сурган Хан сулоласини қурди.

Чинг сулоласи ағдарилиб, унинг ўрнига қурилган Хан сулоласининг хали мустахкамланиб улгурмаганлиги янги қурилган Хун тангрикутлиги учун ҳам хийли ўнгушлик шароит яратади.

Ботур тангрикут ички жихатдан Хун давлатининг такомилни мустахкамлаб, янада мукаммаллаштириб олганлиги, жанговарлиги ниҳоятда юқори бўлган 400 минг кишилик отлик аскар тайёрлаб олганлиги ва ташқи жихатни (жанубдаги кўшниси Хан

сулоласининг ожизлигини) хисобга олиб, яъни ўнг келган шароитдан фойдаланиб, атрофидаги кўшниларга хужум бошлади ва уларни бўйсундиришга киришди. Милоддан беш аср бурун Хунлар билан Тунгуслар орасида расмий чегара бошланган эди. Бу чегаранинг чизиги 1000 йўлдан узунрок эди. Мана шу жой «ўрта» деб аталган бетараф ер бўлиб, шу жойда хар икки тараф чорва молларини бокарди. Хунлар билан тунгуслар орасидаги «ўрта» деб аталган чегара узунлиги (Шимолдан жанубга караб чўзилган) бир неча минг йўл бўлганидан ташқари, гарбдан шаркка караб чўзилган чегара чизигининг узунлиги 1000 йўлдан узун бўлиши уларнинг иркий жихатдан (кон системаси, тил, урф-одатлари) бошка-бошка халклар эканлигини кўрсатади. Чунки хунлар турк иркига, тунгуслар монжу, мўнгул иркига мансуб эди.

«Тарихий хотиралар. Хунлар хакида кисса» бобидаги маълумотларга асосланганда, тунгуслар хунлар билан ўзи орасидаги бетараф жойни босиб олишни ният қилган. Тунгуслар хони Ботур тангрикутга элчи юбориб, шу жойни беришни талаб қилган. Бундок юзсизликдан ниҳоятда каттик газабланган Ботур тангрикут Ўғизхон милоддан 205 йил бурун тунгуслар устига туйқусдан бостириб бориб, уларни осонгина тор-мор қилган. Хунлар тунгус хонларининг кабристонини ер билан яксон қилиб ташлаганлар. Шундан бошлаб, тунгус хонлиги Хун тангрикутлигига кўшиб олинган.

Ботур тангрикут милоддан 205 йил бурун бошлаган голибона харбий жанглардан кейин Улуг ёвчилар устига юрди. Жанговар Улуг ёвчилар ниҳоятда каттик қаршилиқ кўрсатсалар-да, охир оқибат бош эгишга мажбур бўлдилар. Ботур тангрикут галабадан кейин уйсунларни ўз юртига (Хиший оралигига) кўчириб келиб ўрнаштирди. Шу воқеадан хийла олдинрок Улуг ёвчилардан мағлуб бўлган уйсунлар шаркка кўчиб, Ботур тангрикутдан панох тилаган эдилар.

Ботур тангрикут Улуг ёвчилар билан уйсунларни ўз тангрикутлиги таркибига киритиб олгач, жанубдаги кўшниси — Хан сулоласига тенглаша бошлади.

Юкорида айтиб ўтилганидек, милоддан 215 йил аввал Чинг Сихуанг Урдус яйловини босиб олган эди. Ботур тангрикут жанубга караб юриш қилиб, Хан сулоласидан ўша Урдус яйловини тортиб олди.

#### **4. Байдинг мухосараси**

Хун тангрикутлигининг кучайиши Хан сулоласига ниҳоятда огир хавф бўлиб тушди. Бу вақтда Ботур тангрикут Хан сулоласи худудига босиб кирди. Аввал hozирги Саниш ўлкасидаги Шовсан ноҳиясини мухосара қилди. Шу жойни мудоффаа қилиб турган харбий волий Хан Вонг Шинг тезда уларга таслим бўлди.

Хунлар яна илгарилаб, Санишдаги Тайиван, Чингенг сингари шаҳарларга хужум қилдилар. Мана шу пайтда Хан сулоласининг тунжит подшоҳиси Лийубонг (милоддан аввалги 205.—195 йиллар) хунларга қарши юришни режалаштирди. Унинг вазири Лужинг хунларга қарши юриш қилиш хатарли эканлигини назарда тутиб, Лийубонгни огохлантирди. Чунки шу мазгилда қурилган Хан сулоласининг иктисоди хароб, кучлар етарли эмас, марказий хокимият ҳам мустахкамланиб улгурмаган эди. Лекин Лийубонг вазирининг огохлантиришини назар-писанд қилмай ўзи 125 минг кишилиқ кўшинга бош бўлиб, хунларга қарши юриш бошлади.

Бундан хабар топган Ботур тангрикут сараланган 400 минг кишилиқ отлик кўшнларини Фингчинг (hozирги Дотунг) шаҳарининг шаркидаги Байдинг тогининг адирларига ўрнаштириб Хан сулоласи подшоҳи Лийубонгнинг қелишини кутиб, пистирмада турди. Ботур тангрикутнинг харбий тактика жихатдан кўйган яширин тузогидан қилча хабари

бўлмаган Лийубонг олдинги кўшинларини бошлаб келиб, Байдинг тогида бутунлай куршовга тушиб колди. Симо Чианнинг хотираларига караганда, Хан сулоласи кўшинларининг шимолий тарафини кора отлик, шаркий тарафини кўк отлик, жанубий тарафини кизил тўрик отлик, гарбий тарафини ок бўз отлик хунлар куршаб олган экан. Ташки дунёдан алоқаси узилган Хан кўшинлари етти кеча-кундуз куршовда қолиб, очликдан ўлиб тугашга юз тутадилар.

Вазирининг гапига кирмай хунларга қарши юриш қилиб, куршовга тушиб колган Лийубонг нима қилишини билмай, боши қотиб турганда, унинг Чинг Пинг исмли вазири куршовдан қутулишнинг йўлини топади. Чинг Пинг Ботур тангрикутнинг олчиси (хотини) олдига ўғирликча бориб, унга нургун олтин беради. Олчидан куршовнинг маълум жойидан озрок йўл очиб қўйиш имкониятини яратиб беришни ялиниб-ёлворади. Олчи эса Ботур тангрикутга дархол қайтиб кетишни, ундок бўлмаганда Кўк тангрининг газабига йўлиқшини айтиб, шаман тангриси билан уни қўрқитади. Ботур тангрикут хотинининг сўзидан таъсирланиб, мухосаранинг маълум жойини бўшатади. Лийубонг шу жойдан чиқиб қочади.

Машхур Байдинг куршовининг охири ана шундай натижа билан яқун топган. Бундай куршов қадимги даврда шарқ тарихида қўрилган эмас. Шу тўғриси Байдинг куршови ҳақида мана бундай қўшиқ тўқилган:

Фижингда юз берган ажойиб воқеа, Келтурди дахшатлик жафо-машаккат. Етти кун оч қолиб, кетдик мадордан, Ўк-ёйни отишга етмади қувват.

Байдинг куршови милоддан 200 йил бурун бўлган.

### **5. Хун тангрикутлиги билан Хан сулоласи ўртасида тузилган ахднома**

Лийубонг Байдинг куршовидан қутулиб, Чанъанга келгандан кейин, Лужингни банддан бўшатган. Унинг хунларга қандай муомалада бўлиш ҳақида берган таклифларига қўнган. Лийубонг милоддан 198 йил бурун Лужинг бошчилигидагп Хан сулоласи элчиларини Хун тангрикути олдига юборади. Хун сулоласи элчилари хун тангрикути Ботур тарафидан қўйилган оғир шартларга қўниб, тубандаги шартларни ўз ичига олган ахдномага қўл қўйган.

Тузилган ахднома бўйича, Хан сулоласи хунларга ҳар йили белгилаиғаи миқдорда қимхоб, товар-дурдун, шароб, ошлик, емак-ичмақлар юбориб туриш, хан подшоҳларининг малика қизларини хун тангрикутларига ётлик (қанизак) қилиб қудалашини, қудук, сувларидан фойдаланиш қелишилган.

Хан сулоласи ахдномага биноан милоддан 192 йил бурун Ботур тангрикутга (милоддан аввалги 210—174-йилларда тангрикут бўлган), милоддан 174 йил бурун Қийук тангрикутга (милоддан бурунги 174—161 йилларда тангрикут бўлган), милоддан: 156 йил илгари Қунчин тангрикутга (милоддан аввалги 161—126 йилларда тангрикут бўлган) хан маликаларини ётлик қилган.

Ботур тангрикут (Ўғизхон)га Лийубонг ўз қизини хотин қилиб берганда, хунларга юборган совға-саломлар қаторида минг саролтин ҳам қўшиб юборган.

Бир-бирига ўхшамайдиған миллатларнинг ҳукмронлари орасидаги қудачилик қадимги чоғдаги дипломатия қоидаcиға қўра бир турлик усул эди. Икки тарафнинг ўзаро душманлиги воқелик бўлса-да, тинч яшаш учун бир томон иккинчисининг ҳукмронига ўз қизларини ётлик қилишган. Шу даврда Хан сулоласининг қудачилик сиёсатини йўлга қўйиши иложсизликдаи бўлиб, вақтинчалик эса-да, ўз давлатининг хунлар тажовузига учрамаслигинга ўйлаб қилинган. Хан сулоласининг хунларга ҳар йили белгиланган

микдорда юбориб турадиган кимхоб, товар-дурдун, шаробдон, озиклар совга-салом бўлмасдан, амалиётда шакли ўзгарган ўлпон тўлашнинг ўзгинаси эди. Бундай ахвод 70 йил (милоддан бурунги 200—130 йиллар) давом килган.

Ахдномага Хан сулоласи тараф имкон борича амал килган бўлса-да, хунларнинг тангрикутлари ўзларининг «кайин она» ва «кайин отаси»ни юз-хотир килмай (Ўғизхон кайнонаси Лийухуга ёзган мактубида уни хакоратлаган, баъзида ахдномани бузиб, Хан сулоласига хужум килиб, парокандалик тугдириб турган.

## **6. Ўғизхон тангрикутнинг Хан сулоласи подшоҳларига ёзган мактублари**

Ўғизхон тангрикутнинг Лийухуга ёзган мактуби

Ўғизхон тангрикут милоддан 200 йил бурун Хан сулоласини Байдингда маглуб килиб, милоддан 192 йил бурун тузилган ахднома оркали Хан сулоласини ўлпон тўлашга мажбур килгандан кейин, ниҳоятда мағрурланиб кетди.

Хан сулоласининг тунжи подшоҳи Лийубонг милоддан 1941 йил илгари ўлди. Унинг ўрнига энди етти ёшга кирган ўгли Хуйди подшоҳ бўлса-да, амалда унинг онаси Лийуху подшоҳлик киларди. Гўдак подшоҳ Хуйди милоддан 188 йил аввал 13 ёшида ўлди.

Подшоҳлик тахтига ворислик киладиган бошқа бир шахзода Лийухуга ўгай эди, шунинг учун у милоддан 187 йил аввал ўлдирилди. Шундан бошлаб Лийухунинг ўзи Хан сулоласига подшоҳ бўлиб, милоддан бурунги 187 йилдан 180 йилгача тахтда ўтирди.

Амалда эса Лийуху милоддан 194 йил аввал Лийубонг ўлгандан бошлаб Хан сулоласининг ҳукмдори бўлиб колган эди.

Ботур тангрикут милоддан 192 йил бурун тубандаги мактубни ёзган:

«Мен ёлғиз колдим. Мен дарёлар ва кўллар орасида тугилдим. Кўллар ва отлар орасида, кенг далаларда катта бўлдим. Бир неча кайтим Жунггунинг чегараларига келдим. Хозир Жунггуга келиб, сайил килишни хохлайман. Олиялари ёлғиз қолиб, тул ўтирганлар, менда якка-ягона колдим. Биз икки подшоҳ учун бахт колмади. Иккимиз учун тасалли бўлгудек, бизга завк берадиган нарса-да йўқ. Бор-йўгимизни ўзаро алмаштиришни хохлайман».

Ўғизхон (Ботур) тангрикут бу мактубида Лийухуни камситиб, уни «Менга ётлик бўл» деб хакоратлаган. Хун элчиси оркали мактубни олгач ва мазмунидан хабар тошач, Лийуху каттик хафа бўлиб, вазирларини, машхур сонгунларини йигиб, қандай жавоб килиш хақида улардан маслаҳат сўрайди. Пан Хуй исмли сонгун 100 минг кишилик хан кўшинларини бошлаб хунларга хужум килишни ўртага кўяди. Жибу отли сонгун Пан Хуйнинг сўзига қарши чиқиб: «Пан Хуйнинг эл-юртни қалқитиб, хунлар давлатига босиб қираман, дегани хом хаёл, курук вахмдан бошқа нарса эмас. Хунлар гўё йирткич хайвонга ўхшайди. Уларнинг айтган яхши сўзидан яхшилик келмайди. Уларнинг ёмон сўзидан хафа бўлишнинг хожати йўқ», дейди.

Лийуху Жибунинг маслаҳатини маъқул кўриб, Ботур тангрикутга тубандаги мактубни ёзади:

«...Хун тангрикути давлатимни ёдларидан чиқармай, илтифот килиб мактуб йўллабдилар. Хозир давлатим ваҳима-дахшат ичида колди. Кейинги кунларда холсизланиб колдим. Хозир чарчаб мадордан кетдим. Сочларим тўкилиб, тишларим қийшайиб, тўкилиб кетди. Роп-рости энгашаёлмайдиган бўлиб колдим. Сизлар Хун тангрикути олийлари менинг ҳақимда бошқача бир тушунчада бўлиб колмагайлар. Шу муносабат билан мендан ранжиб колмагайлар. Бу хусусда менинг давлатимда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Сизга узрхоҳлик айтиши лойик кўраман. Олийларининг лойиқи



бўлмасам-да, икки жуфт от кўшилган бир шохона: арава юбордим. Лозим кўришларини ўтинаман».

Ботур тангрикут Лийухунинг жавоб мактубига миннатдорлик: билдириб, ёзган мактубида бундай дейди: «Жунггунинг шу қадар адаб-қоидалик, диёнатли давлат эканлигини англамаган эканман. Олияларининг раҳмдил эканликларига офарин ўқийман».

Ботур тангрикутнинг Хан Вендига ёзган мактуби.

Лийуху милоддан 180 йил аввал ўлди. Унинг ўрнига Хан Венди подшоҳ бўлди. У подшоҳ бўлиб турган вақтда (милоддан бурунги 179—157 йиллар) Ботур тангрикут милоддан аввалги 176 йилда унга тубандаги мактубни ёзган:

«Кўк тангри» тарафидан тахтга чиқарилган Хун тангрикути: Хан подшоҳининг саломатлигини эхтиром ила сўрайди. Илгари подшоҳ олийлари қудачилик ҳақида сўз очиб ёзган мактубларида изҳор қилган эканлар, агар шундоқ бўлса, мен хушхол бўлардим.

Аммо, хан подшосининг чегара мудофаасида турувчи амалдорлари бекларимдан бири бўлган ўнг қўл Билгахонга ҳужум қилибди. Унг қўл Билгахон ахволни менга маълум қилиб, ижозатимни олмай Гуйру, Конжа сингари кишиларнинг гапига кириб, хан подшосининг амалдори билан ўчакишибди. Оқибатда, икки давлат ҳукмдорлари орасида тузилган ахднома бузилиб, қариндошлиқ муносабатимизга араз тушган. Шу важдан қайгуриб ёзган мактублари менга икки қайта йўлланди. Мен ҳам элчи орқали жавоб мактуби йўлладим. Лекин мен юборган элчи қайтмади, У ёқдан бирон элчи ҳам келмади. Хан подшоҳи бизга дўстона мунссабатда бўлиб, кўшничиликни бажо келтирмади. Энди мен кичик бекларнинг ахдномани бузганлиги учун ўнг қўл Билгахонни жазоладим. Ўнг қўл Билгахонга одам юбориб, унга гарб тарафдаги Улуг ёвчиларга ҳужум қилишни буюрдим. Тангрининг менга бахт-саодат қилиши билан кўмондон, жангчиларнинг гайрат-шижоати, отларимнинг қучлилигидан Улуг ёвчиларни енгдим. Баъзиларнинг қалласини олдим. Баъзиларни тиз чўқтирдим.

Лулан (Пичан) хонлиги, Уйсун хонлиги, Ўғизларни (булар шу чоғда Чўчак ва Зойсан атрофларида яшарди—муаллиф), уларнинг атрофидаги 26 хонликни ҳукмронлигим остига олдим. Шуларнинг ҳаммаси хунлар давлати таркибига кирди. Ўк-ёй кўтарган халқларнинг ҳаммаси бир оила бўлиб бирлашди. Шимолдаги ўлкалар қўл остимга ўтди. Мен шуни орзу қиламанки, кўшинлари уруш қилишдан тўхтатиб, ором олишга чиқариб, уруш отларини яйловга қўйвориб, гуноҳ-адоватларни эсдан чиқариб, аввалги ахдномани аслига келтурсак, у чоғда чегара атрофида яшаган аҳоли тинч, хотиржам, омон кун кўрса, гўдақлар хавотирсиз ўйнаб-қулиб катта бўлса, қариганлар гам-андишасиз яшаса, авлоддан авлодгача тинч, фаровон ўтсак яхши бўларди

...Навқарим орқали мактуб йўлладим. Ўзларига атаб бир туга, тўрттадан от қўшилган шохона аравадан бир жуфт юбордим. Агар хан подшоси бундан кейин Хунларнинг чегараларига келмаслигини орзу қиладиган бўлса, бекларимга, фуқароларимга четарадан узок туришлари ҳақида фармон туширгайман».

Ботир тангрикут милоддан 177. йил бурун гарбга ҳарбий юришларида Каспий денгизининг бўйларигача, Еттисув, Ўрта Осиё, Гарбий Осиёдаги давлатларни бўйсундирган. Мана шу чоғда Улуг Хун тангрикутлиги ниҳоятда қудратли бор босқичга етиб, унинг ҳудудини шарқи — Улуг океан қирғоқларига, гарби — Каспий денгизининг бўйларигача борган.

Ботур тангрикут— Ўғизхон гарбга қилган қолибона ҳарбий торишидан қайтиб келиб, бир

йил ўтгандан кейин (милоддан 175 йил аввал) Хан Вендига юкорида баён килинган мактубни ёзган.

Ботур тангрикутнинг Хан Вендига ёзган мактубидан нималарни тушуниш мумкин?

Мазкур мактубдан ажойиб тарихий воқеаларни тушуниб олиш унча кийин эмас.

Мактубнинг мазмунига караганда:

1. Милоддан 177 йил бурун Ботур тангрикут гарбга харбий юриш килиб, сафарга кетганда, хунлар билан Хан сулоласи орасида уруш юз берган. Хунларнинг ўнг кўл Билгахони Шанси ўлкасидаги йўлнинг атрофларига хужум килиб, ахдномага вафосизлик килган.

2. Милоддан 176 йил аввал Кангсуда (hozирги Гансу) яшайдиган Улуг ёвчиларга хунларжазо юриши килган. Чунки ёвчилар исён кўтарганлар. Жанг Чаннинг маълумотига караганда, шу кайтим хунлар тарафидан ниҳоятда огир мағлубиятга учраган Улуг ёвчилар милоддан 175 йил аввал Кангсудан гарбга караб кўчиб, Или водийсига бориб маконлашганлар.

3. Ботур тангрикут ёзган мактубида «Лулун, Уйсун, Ўғизларни, уларнинг атрофидаги 26 хонликни хукмронлигим остига олдим», дейилган. Мана шунга караганда, Ботур тангрикут милоддан 177 йил бурун гарбга килган харбин юришида Еттисувдаги (hozирги Козогистон.) уйсунлари, канглиларни (Балхаш кўли билан Орол кўллари атрофи), олонларни (Каспий бўйларида), Урта Осиё (Торим водийси ҳам унинг ичида) тўлик бўйсундирган.

4. Ботур тангрикут Хан Вендига ёзган мактубида: «Ўк-ёй кўтарган халкларнинг хаммаси бир оила бўлиб бирлашди», деб Ханг сулоласига таҳдид солган.

5. Ботур тангрикут Хан Вендига ёзган мактубида тўлик мағрур киёфада туриб, Хан сулоласига таҳдид солган бўлса-да, яна бир тарафдан «авлоддан авлодгача тинч, фаровон ўтсак яхши бўларди», деган хитоби билан ўзининг тинчликни севадиган, олижаноб хислатини намоён қилади.

Хан Венди Ботур тангрикутнинг мактубидан воқиф бўлгандан кейин, ўрда амалдорларининг маслаҳат беришини сўраганда, уларнинг хаммаси бирдек хунлар билан душманлашишдан фойда чикмаслигини, кудачиликдан яхшироқ тадбир йўклигини айтганлар. Бу маслаҳатни маъкул кўрган Хан Венди Ботур тангрикутга тубандаги жавоб мактубини йўллайди:

«Хан подшохи улуг хун тангрикутнинг саломатлигини эхтиром ила сўрайди. Олийлари элчи Шихужон (хун элчисининг номи)оркали факирга юборган мактубларида:

«Кўшинларни уруш қилишдан тўхтатиб, ором олишга чиқариб, уруш отларини яйловга қўйиб юбориб, гуноҳ-адоватларни эсдан чиқариб, бурунги ахдномани аслига келтурсак, у чоғда чегара атрофларида яшаган аҳоли -тинч, хотиржам, омон кун кўрса, авлоддан авлодгача тинч-фаровон ўтсак яхши бўларди», деган экансиз: Мен бундан анчагина хушхол бўлдим. Бундок қилиш қадимги чоғларда ўтган донишманд подшоҳларнинг хам умиди эди. Хан подшоҳлиги билан Хун тангрикутлиги орасида илгари тузилган қариндошлик ахдномаси бор. Шунинг учун мен тангрикут олийларини иззат-хурмат қилиб келдим. Ахдномадан юз буриб, қардошлик муносабатини бузганлар доим хунлар тарафидан чиқди. Шундок бўлса-да, ўнг кўл Билгахон ахдномани бузганлигидан анча бурун афв этилган. Ўни қайтадаи сўрок қилмагайлар. Тангрикут олийларига мактубимда изхор қилган орзуйим маъкул қўрилса, борлик хун бекларига бундан -кейин ахдномага вафосизлик қилмаслик тўғрисида аниқ қилиб, фармон бергайлар. Худди ўзларининг мактубларида айтилгандек, фармонларига хурмат қилиниб, инобат сакланса экан.

Элчилар оркали менга маълум бўлишича, Хунлар давлатини кудратли, бирлашган холга келтиришда тухфа яратиб, урушнинг жафо, машаккатларини ниҳоятда кўп тортдилар...»

Хан Венди ушбу мактуби билан бирга Ботур тангрикутга асл тўн-чопонлар, олтин тўка (камарнинг тўкаси — муаллиф), кимхоб, турли рангдаги шохи-атласлардан иборат ниҳоятда нургуни совга юборган.

Хан Вендининг ёзган хатига караганда, милоддан 175 йил бурун хунлар билан Хан сулоласи ўртасидаги муносабат яхшилашига караб юз тутган.

Милоддан 174 йил аввал кечмишда Ботур тангрикут (Ўғизхон) оламдан ўтди. Хунлар Ботур тангрикутни ўз одатларича ниҳоятда дабдабали тарзда дафн қилганлар. Улар Ботурнинг ўгли Кийукни тангрикут қилиб тахтга ўлтиргизадилар. Хан сулоласининг подшоси Хан Венди Кийук тангрикутга элчи юбориб, уни табриқлайди...

### Атиланнинг император бўлуви

Милодиинг 415 йили Коратўн оламдан ўтди. Унинг ўлимидан кейин милоднинг 415 йилидан 434 йилигача бўлган 20 йил ичида Оврупо Хун империясига Коратўннинг Бунчук (415—422), Рўе отлик ўғиллари император бўлдилар. Бунчукнинг Билида ва Аттила отли икки ўғли бор эди. Билида милоднинг 395 йили тугилган, Аттила милоднинг 400 йили тугилган эди.

Бунчук 422 йили оламдан ўтганда хунларга унинг укаси Рўе император бўлди. Рўенинг вақтида (422—434) Билида Хун империясининг гарбий қисмига, Аттила шаркий қисмига илигхонлар номи билан ҳукмронлик қилишди. Аттила Хун империясининг шаркий қисмига илигхон бўлса-да, у амакиси Рўенинг қошида турарди. Рўе Атиланнинг харбий истеъдодига хайратланиб, унинг улуг бир кўмондон бўлишига кўзи етган эди.

Милоднинг 434 йили Рўе оламдан ўхади. Қоида бўйича, Билида Хун империясига император бўлиши лозим эди. Чунки у ворислик ҳуқуқига эга эди. Шундай бўлса-да, хар жихатдан акаси Билидадан устун истеъдодга эга бўлган Аттила императорликка кўтарилди. Кейин Билида 445 йили 50 -ёшида ўлдирилди.

Оврупо Хун империясига Атилла император бўлгач, хунлар мисли кўрилмаган дахшатли қучга айландилар. Аттила милоднинг 447 йили Шаркий Румо империясига ҳужум бошлаб, унинг пойтахтн Константинопол (ҳозирги Истамбул)ни босиб олди. Румоликлар Истамбулни саклаш учун хар йили Атилага 2100 лира юлтин ясок (солик) тўлашга мажбур бўлдилар. Бернштамнинг айтишича, хунларга Гарбий Румо империяси ҳам хар йили 700 фунт олтин ясок тўлаб турган. Хар йили тўлайдиган бундок ясоклардан Эрон сосонийлар сулоласи ҳам (630—224) четда қолмаганлар.

### КАТАЛОН УРУШИ

Аттила 450 йилгача Шаркий Румо империясига хужум килиб, Болкондаги Румо шаҳарларидан 70 тасини босиб олди. Аттила гарбий ва шаркий Румо империялариникг бирлашиб хужум килишларидан сакланиб, аввал Гарбий Румо империясини йикитиб, буткул Оврупони бўйсундиришга бел боғлади. Аттила шу ниятини амалга ошириш учун, милоднинг 451 йили 500 мингдан ортик нихоятда катта кўшинни бошлаб, Рейн дарёсидан ўтиб, Франсага бостириб кирди. Аттила шу юришга ахд килган чоғда жудаям тантанали-ёлкинли нутк сўзлаб, мундок деган: ,

«Биз урушни ёт мамлакатларга олиб кетяпмиз, миллатимизнинг хайбатли номи уларни кўрkitиб, титратади... Эхтимол биз ўлиб кетишимиз мумкин, лекин ер-осмонни зилзилага келтирган ишимиз мангу яшайди. Бизнинг авлодимиз унга ворислик килади».

Аттила милоднинг 541 йили Гарбий Оврупага килган юришида Франсадаги Матзи, Ремси сингари шаҳарларни ишгол этди. Аттила Парижнинг жанубидаги Орлеан шаҳрини ишгол килгач, Испаниянинг шаркий қисмига бостириб кириб борди. Бу чоғда Гарбий Румо императори Валентин (423—455 йиллар император бўлган) гарбий готлар, франсийлар билан иттифок тузиб, нихоятда нургун кўшин тўплади Тарихчилар айтгандек: «Энг охирги, улуг румолик» номини олган Айгиз (Атийус) бошчилигидаги Гарбни Румо кўшинлари (иттифокчилар ҳам бунинг ичида) Аттилага карши юриш килдилар. Аттила Испаниянинг шаркидан чекиниб, Франсадаги Сена дарёсининг икки ирмоғи ўртасидаги Каталон даласида тўхтади. Айгиз бошчилигидаги 600 мингдан ортик Гарбий Румо кўшинлари Аттиланинг ортидан кувлаб, Каталон даласига етиб келдилар. Қадимги чоғда юз берган миллий урушлар ичида энг дахшатли урушлар каторидан ўрин олган бу «Каталон уруши» милоднинг 451 йили 24 апрелда бошланди. Қадимги тарихчиларнинг ёзишича, уруш шундок каттик, дахшатли бўлганки, Сена дарёсининг суви кип-кизил бўлиб оккан. Каталон даласига одам, от ўликлари уюлиб, ишдан чиккан калконлар, синган найзалар, киличлар, ўк-ёйлар, бошқалар калашиб кетиб, тирик жон кимирлашига сира имкон колмаган. Ўз мустакиллигини бахосиз, азиз, чинданам афзал кўрган овруполиклар ҳеч нимага карамай жон тикиб урушган бўлсалар-да, ўзининг мағрурлиги, жанговарлиги, ботирлиги билан дунёни титратиб, кўп пайтларда ўз душмани устидан голиб келиб, шон-шухрат қозонган ва Оврупони ваҳимага солган хунлар ҳам хаддан ташқари қахрамонлик билан урушганлар.

Каталон урушида бир неча юз минг киши ярадор бўлган, 165 минг киши ўлган. Гарбий готларнинг подшоси Теодорик хунлар кўлида ўлган. Бунга чидамаган гарбий готлар шаҳзадаси отаси

Теодорикнинг қасосини олиш учун, кеч пайт хунларга шиддатли равишда хужум килган. Аттила хун араваларини қатор тизиб, мудофаа тўсиқларини барпо килиб, гарбий готларнинг хужумини қайтарган.

Ўз умрида бундай қонли урушни кўрмаган Аттила хун кўшинларини Каталон даласидан чекинтириб, Рейн дарёсининг шаркий қиргоғига олиб ўтиб кетган. Айгиз бошчилигидаги Гарбий Румо кўшинлари нихоятда оғир талафотга учраб, холсизланиб қолганидан, хунларни қувлаб бориб зарба беришга ҳам мадори етмаган.

Гарбий Румонинг қарам қолга туширилгани

Аттила Каталон уруши майдонидан қайтиб, Шимолий Италияга босиб кириб, нургун шаҳарларни вайрон қилган. У Гарбий Румонинг пойтахти Рим шаҳрини босиб олиб, Гарбий Румо империясини йўқотишга киришади. Андиша ичида қолган Гарбий Румо императори Валентин IV Папалетс I ни Аттила олдиға юбориб, сулҳ тузишни илтимос қилади ва қандок талаблари бўлса, барчасига розилигини билдиради. Хунлар билан

Гарбий Румо орасида шу тарика сулх тузилади. Сулхга биноан Валентиннинг Хунуран отлик кизи Аттилага ётлик (канизак) килинадиган ва хар йили хунларга тўланадиган олтиннииг микдори маълум ўлчовда бурунгидан кўпайтирилиб, 2100 лира олтинга етказилган. Шу сулхдан кейин Гарбий Румо хунларга бутунлай карам бўлиб колган.

### АТТИЛАНИНГ ЎЛИМИ

Хунлар вахимасидан япроқдек титраган подшоҳлар Аттилага иложсизликдан хушомад килишиб, унга нургун кимматли нарсалар билан совга-салом йўллаганлар. Баъзи подшоҳлар Аттилага ўз кизларини ётлик-хотинликка беришгача боришган. Аттила милонинг 453 йили бир подшоҳнинг Эддигу исмли кизига уйланган. Элдигу тўй кечаси Аттилага олтин кадахда захар солинган шаробни ичказган. Тонг отишига оз колганда Аттиланинг огиз ва бурнидан ўқдек кон отилиб чика бошлаган. Элдигу кўркиб эс-хушини йўкотган. Аттила шу йўсинда конга бўялиб ўлган.

Хунлар аввал тайёрлаб кўйилган олтин сандикнинг ичига Аттилани ёткизиб, ундан кейин олтин сандикни кумуш сандикка, кумуш сандикни пўлат сандикка жойлаб, сандикларнинг огзини махкам беркитганлар. Улар бу ишни ўринлатгандан кейин Дунай дарёсининг сувини тўсиб, бошка тарафга окизиб, дарёнинг ўза нидан чукур кавлаб, Аттиланинг жасади солинган уч кават сандикни шу ерга кўмиб, дарё сувини яна асли окимига окизиб юборганлар. Демак, Аттила Дунай дарёсининг остига дафн килинган. У хозиргача уч хил металлдан ясалган уч кават сандик ичида ётган бўлса керак.

Аттила буваси Ўғизхонга ўхшаш улуг истилочи бўлиб, у дунёга жахонгир бўлишни ўз олдига - мақсад килиб кўйган эди.

Уйгур ёзувчиси ТУРГУН ОЛМОСНИНГ «Хунларнинг кискача тарихи» китобидан кискартириб СИРОЖИДДИН АХМАД ўгирди